



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 18 июнь, № 119 (6554) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 2016 йил 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.**

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, долзарб минтақавий ва халқаро сиёсий масалалар муҳокама этилади.

Ташриф дастурида Хитой Раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлаши ҳам кўзда тутилган.

Ташриф якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини қабул қилиш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтайдиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

## Ўзбекистон — Хитой: Икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик

Хабар берилганидек, жорий йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Бу Хитой етакчисининг юртимизга ХХР Раиси сифатидаги иккинчи ташрифи бўлади. Ушбу ташриф ХХР сиёсий доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан ҳамда давлатларимизнинг самарали мулоқотни кенгайтиришга бўлган интилишлари муштарак эканлигидан далolat беради.

Режалаштирилган олий даражадаги учрашув ва музокаралар кўп қиррали муносабатлар кўламини изчил кенгайтириш жараёнида муҳим босқич бўлиши билан бирга, ўзаро алоқаларнинг ҳозирги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиш, уларнинг истиқбол йўналишларини белгилаб олиш ҳамда амалий мазмун билан фаол ривожланиб бораётган стратегик шерикликни янада бойитиш учун қулай имконият яратади.

Замонавий босқичда икки томонлама ҳамкорлик турли йўналишларда муваффақиятли ривож топмоқда. Бугунги кунда Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги энг муҳим

шериклари ва йирик сармоядорларидан бири бўлиб келаётгани ҳолда, миллий иқтисодийимизни модернизациялаш ҳамда диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

Узоқ муддатли ҳамда самарали Ўзбекистон — Хитой мулоқотининг асосий тамойиллари Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома (2005), Стратегик шериклик ўрнатилган тўғрисидаги қўшма декларация (2012), шунингдек, 2013 йили имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияда муҳрлаб кўйилган. Умуман олганда, Ўзбекистон — Хитой алоқаларининг шартномавий-ҳуқуқий пойдевори турли йўналишларни қамраб олган 220 дан ортиқ ҳужжатдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон автомобилсозлиги:

# ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА



Мамлакатимиз энг буюк неъмат — мустақилликни қўлга киритиб, миллий давлатчилигимиз тиклангач, нафақат ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, балки тафаккуримизда туб ўзгаришлар юз берди. Бу, таъбир жоиз бўлса, истиқлолнинг ҳар бир йилида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг бош омили ҳисобланади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан биз учун мутлақо янги тармок — автомобилсозлик саноатида асос солингани халқимиз асрий орзу-интилишларининг рўёби, мустақиллик яратган бекиёс мўъжизалардан бири сифатида баҳоланади.



Дарҳақиқат, Асака шаҳрида жойлашган ушбу завод бугунги кунда она-Ватанимизнинг ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонасига айланган. Зеро, Президентимиз айтганидек, "...бу замонавий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини уйғотиб юборгани биз

учун алоҳида аҳамиятга эга". Халқаро экспертларнинг эътирофига, мукамал технологияларни ўзлаштиришни талаб қиладиган мазкур соҳа юртимизда жуда қисқа фурсатларда муваффақиятли ўзлаштирилди. Яъни 1996 йилда ўз фаолиятини бошлаган Асака автомобиль заводида дастлабки пайтдаёқ уч русумдаги транспорт восита-

си тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳри, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятларида замонавий корхоналар барпо этилиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган энгил ва юк автомобиллари, махсус транспорт воситаларининг тури 100 тадан ошиб кетди! Бу бутун дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт

стратегияси асосида изчил олиб борилаётган ислохотлар самарасидир. 2008 йили тизимдаги тўнғич заводи ҳаётида янги давр бошланди. Гап шундаки, унинг негизда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда "General Motors" компанияси таъсисчилигида "GM Uzbekistan" корхонаси ташкил

этилди. Пировардида янада илгор ва кўркам, замонавий стандартларга тўла жавоб берадиган янги автомобиль моделлари ўзлаштирилди. Завод конвейеридан "Chevrolet" бренди остида "Captiva", "Spark" ҳамда "Cobalt" русумли автомобиллар чиқа бошлади.

(Давоми 4-бетда).



## Тежамкор технологиялар

Иқтисодиёт тармоқларига энергияни тежовчи технологияларни татбиқ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд саноат корхоналари шунга мос равишда модернизация қилинаёпти. Натижада тежаб қўлинаётган маблағ бошқа истиқболли лойиҳалар рўёби учун сарфланмоқда.

### ФАРМОН ВА ИЖРО

Бунда Президентимизнинг 2015 йил 5 майдаги "2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи-

ни қисқартириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ўтган йилнинг август ойида "Жиззах" махсус индустриал зонасида фойдаланишга топширилган "Ёрқин чироқлар" қўшма корхонаси

фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, 2,5 миллион АҚШ долларига инвестиция эвазига ташкил қилинган мазкур корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар қисқа вақт мобайнида харидорлар эътиборига тушди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган диодли лампалар электр энергияни оддий чўғланма лампаларга нисбатан 10 баробар кам сарфлаши бунда муҳим омил бўлаётгани табиий.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий ҳўжалик судининг судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, видеоконференц-алоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ҳўжалик судлари судьялари қатнашди.

## Олий ҳўжалик суди Пленуми мажлиси

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилаётгани алоҳида таъкидланди. Соҳага оид мустақам қонуний база яратилгани ҳамда у замон талаби асосида такомиллаштириб борилаётгани бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожланти-

риш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур Фармон асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиши, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

## Беғуборлик, саломатлик ва дўстлик тимсоли

Ям-яшил майдон жозибаси, юксак маҳорат, ажойиб финтлар, пишқир-пукта тактикаю комбинациялар оҳанрабои, ҳалоллик, дўстлик, ҳамжихатлик, саломатлик, соғлом рақобат, бири-бирдан чиройли маҳорат ва голлар, мухлислар меҳри...

### БОЛАЛАР СПОРТИ

Бугун дунё бўйлаб миллионлаб мухлислар футбол деб аталмиш ана шу сеҳрли олам ошуфтасидир. Уларнинг ичида ушбу спорт турининг энг беғубор ўйинчилари, энг беғубор ишқибозлари, ҳатто, энг беғубор "юлдуз"лари ҳам аслида болалардир.

Навқирон авлод юрагида, онгу тафаккурида кўр олган ана шундай эзгу умидларни умуминсоний нуқтаи назардан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Халқаро футбол ас-

социациялари федерацияси (ФИФА) келишувига кўра, ҳар йили 19 июнь — Жаҳон болалар футбол кўни сифатида нишонлаб келинади. Мазкур санада дунёнинг қатор мамлакатларида болалар футбол жамоалари иштирокида кўплаб мусобақалар ташкил этилади, ёш истеъдод эгаларига яна бир қарра ғамхўрлик кўрсатилади. Бундай тадбирлар уларнинг ишончига ишонч, ғайратига ғайрат қўшиши, шубҳасиз.

(Давоми 3-бетда).



Файзли кунлар шуқуқи

Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она

(Давоми 2-бетда).



**ЖАХОН** **24 СОАТ ИЧИДА**

Германиянинг "Mercedes-Benz" компанияси водородда ҳаракатланадиган янги "GLC" модели намунасининг тақдимотини ўтказди.

Инновацион автомобиль



Автомобилда водород ва кислороднинг кимёвий реакциясидан қувват олувчи электрли илҳам...

Тадқиқот натижаси


АҚШнинг Колорадо штати ғарбида жойлашган Манкос конида қайтадан тадқиқот ишлари олиб борилганда, у ерда газ захираси ҳажми ўн баробар кўплиги, яъни 1,9 триллион куб метрни ташкил этиши аниқланди.



Ваҳошонки, 2003 йилда бу миқдор 0,05 триллион куб метр, деб қўрсатилганди. Уз навбатида, мазкур ҳудудда 8,8 миллион куб метр нефть ва 5,4 миллион куб метр газ конденсати мавжудлиги ҳам маълум бўлди.

Сабаби номаълум

Индонезиянинг Ғарбий Кичик Зонд оролида қурилатган кўприк қулаб тушди.



Оқибатда беш киши қурбон бўлди, яна шунча киши жароҳатланди. Бу ҳақда "ANTARA" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Янги экзопланета

АҚШлик ва Жанубий корейлик бир гуруҳ олимлар томонидан навбатдаги йирик экзопланета кашф этилди.

"The Astrophysical Journal" журналида чоп этилган илмий мақолада қайд этилишича, унга "Kepler-1647b" номи берилди. Ўши эса 4,4 миллиард йилга тенг. Эътиборлиси, мазкур само жисмида сув суюқ ҳолатда учраши аниқланган.

Қирқ ёшли дарвозабон

Шу кунларда Францияда давом этаётган футбол бўйича Европа чемпионатида қатор рекордлар янгиликларга эришилди.

Хусусан, Венгрия терма жамоаси дарвозабони Габор Кирай қирқ ёшида майдонга тушиб, мазкур қитъа биринчиликлари тарихида иштирок этган энг ёши катта чарм тўп устасига айланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шуларга мос равишда юрти-мизда ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши-да муҳим омил саналган спортни кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келинаёпти.

Беғуборлик, саломатлик ва дўстлик тимсоли

ли мураббийлар базаси шакллантирилди.

Бинобарин, Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгани ва унинг фаолияти такомиллаштирилгани, уч босқичли спорт ўйинлари, хусусан, мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" мусобақалари аниъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани ўзининг ёрқин самараларини бераёпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида жабҳадаги ишлар изчил давом эттирилди.

Болалигимда футбол бўлиш энг катта орзум эди, — дейди суҳбатдоримиз отахон Кенжабой Шукуров. — Бирок у пайтларини бир тўзук стадион, на бир шароит бор эди.

Шулар қаторида Президентимизнинг 2006 йил 1 майддаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори-га асосан, Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилгани

бу борадаги саъй-ҳаракатларга жўшқинлик бағишлади. Футбол клублари салоҳияти кенгайтирилди. Стадионларни ФИФА талаб-ларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шара-фини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футбол-чиларни тайёрлаш, қолаверса, мамлакатимиз футболининг

қўринг. Спортнинг исталган тури билан шуғулланиш учун шаҳару қишлоқларда ҳамма қулайлик яратилган.

Дарҳақиқат, ўтган йилларда ўзбекистонлик футбол ихлосманд-лари кўнглидагидек кўплаб анги-ланишлар рўй берди. Республи-камизнинг барча ҳудудда футбол билан бекаму кўст шуғулланиш учун имкониятлар яратилди.



Хусусан, Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган "Бунёдкор" ва "Локомотив", Бекобод шаҳрида "Металлурги", Олмалик шаҳрида "Олмалик", Фарғона шаҳрида "Истиклол", Наманган шаҳрида "Наманган", Жизжа шаҳрида "Сўғдиёна" ста-дионлари барпо қилинди.

шогирдимиз Руслан Розиев маз-кур мусобақанинг "Энг яхши ўйин-чиси", деб топилди. Бу бежиз эмас. Сабаби, юртимизда бола-ларнинг ҳар томонлама етук улғайиши учун кўрсатилган га-мҳўрликдан футболимизнинг бўлажақ юлдузлари ҳам баҳра-мангандир. Бунга ташлим муас-самизга борган ҳар бир киши тўла ишонч ҳосил қилади. Замонавий ўқув корпуси, дам олиш хонала-ри, ётоқхона, ошхона, сузиш ҳав-заси, спорт зали, тиббий бўлим имкониятлари ҳавас килгудек даражада. Таомлар сифати эса махсус мутахассислар томонидан доимо назоратда.

— Учта футбол майдони, замонавий спорт ва тренажёр залла-ри, сузиш ҳавзаси, ўқув, дам олиш хоналари ихтиёрига берилди. — дейди ушбу мактаб-интернат тарбияла-нувчиси, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Донёр Абдуманнопов. — Бизга тезлик, техника, ақлий изланишларни ривожлантириш каби йўналиш-ларда энг тажрибали мураббий-лар сабоқ бераёпти. Келажақда миллий терма жамоаларимиз сафида катта-катта мусобақа-ларда голиб бўлиб, юртимиз байрогини баланд кўтариш бош мақсадимиздир.



— Финалда Беларуснинг "Динамо" клуби дарвозасига жа-вобсиз икки тўп йўлладик, — дей-ди "Пахтакор" болалар ва ўсмир-лар футбол мактаби директори Дилшод Нуралиев. — Қолаверса,

Хуллас, мамлакатимизда болалар футболни жадал равақ топа-ётир. Энг муҳими, Юртбошимиз айтиб ўтганидек, "Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан барпо этилган замонавий футбол майдонларида ёшларимиз ўзларининг бўш вақтини маъ-муний ўтказмоқда. Бундай ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳаёти-миз ўзгармоқда, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда, ўзимизга, ўз соғлигимизга, келажагимизга муносибатимиз ўзгармоқда ва бу жараёнда бошқа кўпгина ижобий омиллар қатори аввало спорт катта таъсир кўрсатмоқда".

Санджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

**Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 4 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- \* Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 26 декабрдаги 19-1103/20572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани СИБда сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЕ 469 бўлган, «Матиз» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 9 099 900 сўм.**
- \* Термиз тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 26 августдаги 1-3845-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Паттақсар» ҚФЙда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 717 ЕАА бўлган, «ГБА СПГ Lacetti CDX» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.**
- \* Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Шўрчи тумани судининг 2014 йил 15 ноябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 С 464 FA бўлган, «ГБА СПГ ВАЗ-21041-40» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 12 428 838 сўм.**
- \* Сариев тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 19-1307/17502-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 N 422 EA бўлган, «КамАЗ-5320» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 12 831 259 сўм.**

Аукцион савдосини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.

ЭЪЛОНЛАР

**«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ**

**Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2015 йил 7 декабрдаги 1-4854/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 605,80 кв.м., фойдаланиш майдони 58,20 кв.м. бўлган 9 та хонадан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 450 000 000 сўм.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2015 йил 2 июлдаги 19085/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Иноқобод кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдони 255,69 кв.м., тураржой майдони 108,87 кв.м. бўлган уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 201 450 992 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 22 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ко'р тармоқли ко'снмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлари (0-871) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

— компьютер ускуналарини етказиб бериш бўйича (лот № 1);

— «Microsoft» компаниясининг лицензияли дастурий воситасини етказиб бериш ва созлаш бўйича (лот № 2) тендер эълон қилади.

Тендерда қатнашиш учун бюртманомалар (банк белгиланган шаклда) эълон чоп этилган санадан кейинги 10 календарь куни мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади. Тендер ҳужжатлари тендерда қатнашиш учун бюртманомано юборган ҳамда малакавий танловдан ўтган шахсларга берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини (оферталарни) қабул қилиш улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чоп этилган санадан кейин 44 календарь куни ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 17.00 да тўхтатилади.

**Бюртманомано шакли ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини (оферталарни) бориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.**

**Телефон: (+99871) 234-42-86. Интернет-сайт: www.nbu.uz**

**Алоқада бўлувчи шахслар: Попова Надежда Анатольевна, Раҳимов Равшан Ҳамидович.**

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ўзбекино" Миллий агентлиги, "Ижод" жамоат фонди, Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Учкун НАЗАРОВНИНГ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**

**ЭЪЛОНЛАР**

**ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

**232-11-15, 236-09-25.**

E-mail: reklama@xs.uz

